

Comparative Turkish Dialects and Literatures
Karşılaştırmalı Türk Lehçeleri ve Edebiyatları
Cilt/ Volume 1, Sayı / Issue 2, Kasım/ November 2022, 33-43

Atf/Citation: Tuxtasinova, O. (2022). Leksik Okkazionalizmlar va Uning Yondosh Hodisalarga Munosabati. *Comparative Turkish Dialects and Literatures*. 1 (2). 33-43.

**LEKSIK OKKAZİONALİZMLAR VA UNİNG YONDOSH HODISALARGA
MUNOSABATI**

Leksik Okasyonalizmler ve Benzer Olaylarla İlişkisi

Lexical Occasionalisms and Its Relation to Similar Events
Araştırma Makalesi / Research Article

(Makale Geliş Tarihi: 31.10.2022 / Kabul Tarihi: 23.11.2022)

Odina TUXTASINOVA*

Annotatsiya

Maqolaning kirish qismida okkazionalizm va neologizm tushunchalarining ma'nolari ta'kidlangan. Birinchidan, bu tushunchalarning lug'atlardagi ma'nolari keltiriladi. So'ngra tilshunoslik manbalarida bir xil tushunchalar qanday ishlanishi, ularning o'xshash va turli tomonlari ta'kidlanadi.

Okkazionalizm - bu tilda mayjud bo'lgan so'zga berilgan yangi ma'no. Okkassionalizm ham individual, ham vaqtinchalik. Bu yangi ma'no boshqalar tomonidan ishlatilmaydi, shuning uchun u hech qachon umumiy bo'lmaydi.

Neologizm - bu tildagi yangi so'z. Bu yangi so'z tilning o'z imkoniyatlardan kelib chiqqan bo'lishi mumkin yoki boshqa tillardan olingan bo'lishi mumkin. Neologizmning eng muhim xususiyati shundaki, uning yanligi shu tilni ishlatadigan odamlar tomonidan seziladi. Shunday davr borki, tildagi har bir so'z neologizm deb hisoblanadi. Chunki bugun biz tez-tez ishlatib turadigan har bir so'zning tug'ilgan sanasi bor. Vaqt o'tishi bilan bu so'z

* Doç. Dr., Hokand Devlet Pedagoji Enstitüsü, İlköğretim Bölümü; Asoc. Prof., Kokand State Pedagogical Institute, Department of Primary Education, elmurcom-93@mail.ru, ORCID ID: orcid.org/0000-0002-4837-4883.

keng tarqalgan bo'lib, u neologizm bo'lishni to'xtatadi. Masalan, kolxozi, sovxozi, traktor, traktorchi, pioner kabi so'zlar 30-yillarda o'zbek tilida neologizmlar bo'lgan. Ularning qo'llanishi keng tarqalgach, ular neologizm bo'lishni to'xtatib, muntazam so'z bo'lib qoldi. Xuddi shunday, vazir (vazir), viloyat, tumen (tuman), qozi (gubernator), nafakahor (nafaqadagi) kabi ba'zi so'zlar ham o'zbek tilida 1990-yillarning neologizmlari hisoblanadi. Bu so'zlar bugungi kunda keng qo'llanilganligi sababli ular endi eskirgan va oddiy so'zlar hisoblanadi.

Kalit so'zlar: okkazionalizm, okkazional so'z, okkazional ma'no, neologizm, potensial so'z

Özet

Makalenin girişinde okasyonalizm ve neolojizm kavramlarının anlamları üzerinde durulmuştur. Önce bu kavramların sözlüklerde geçen anlamları verilmiştir. Sonra aynı kavramların dilbilimi kaynaklarında ne şekilde ele alındığı, benzer ve farklı yönleri üzerinde durulmuştur.

Okasyonalizm, bir dilde var olan bir söze bir kimse tarafından yüklenen yeni anlamdır. Okasyonalizm hem bireyseldir hem de geçicidir. O yeni anlam başkaları tarafından kullanılmaz, dolayısıyla hiçbir zaman genelleşmez.

Neolojizm, bir dilde peyda olan yeni sözcüktür. Bu yeni sözcük dilin kendi imkânlarıya doğmuş olabileceği gibi diğer dillerden de alınmış olabilir. Neolojizmin en önemli hususiyeti, o dili kullanan insanlar tarafından yeniliğinin hissedilmesidir. Bir dilde her bir sözün neolojizm olarak kabul edildiği bir dönem vardır. Çünkü bugün yaygın olarak kullandığımız her bir sözün doğduğu bir tarih vardır. Sözcük zaman içinde yaygınlaşıkça neolojizm olmaktan çıkar. Mesela, kolhoz, sovhoz, traktör, traktörçi, piyoner gibi sözcükler 1930'lu yıllarda Özbekçede neolojizm idiler. Kullanımları yaygınlaşıkça neolojizm olmaktan çıktı ve normal sözcüğe dönüştüler. Aynı şekilde vezir (başkan) vilayet, tümen (ilçe), hakim (vali), nafakahor (emekli) gibi bazı sözcükler de Özbekçede 1990'lı yılların neolojizmleridir. Bu sözcükler günümüzde yaygın bir şekilde kullanıldıkları için artık eskimiş ve normal sözcükler olarak kabul edilmektedirler.

Anahtar kelimeler: okasyonalizm, okasyonal sözcük, okkasional anlam, neolojizm, potansiyel anlam

Abstract

In the introduction of the article, the meanings of the concepts of okkazionalism and neologism are emphasized. First, the meanings of these concepts in dictionaries are given. Then, how the same concepts are handled in linguistics resources and their similar and different aspects are emphasized.

Okkazionalism is the new meaning ascribed to a word that exists in a language. Occasionalism is both individual and temporary. That new meaning is not used by others, so it never becomes general.

Neologism is a new word in a language. This new word may have arisen from the language's own possibilities, or it may have been taken from other languages. The most important feature of neologism is that its novelty is felt by the people who use that language. There is a period when every word in a language is considered neologism. Because every word that we commonly use today has a date when it was born. As the word becomes more widespread over time, it ceases to be neologism. For example, words such as kolkhoz, sovhoz, tractor, tractor driver, pioneer were neologisms in Uzbek in the 1930s. As their use became more widespread, they ceased to be neologisms and became the regular word. Likewise, some words such as vizier (minister), province, tumen (district), judge (governor), nafakahor (retired) are also the neologisms of the 1990s in Uzbek. Since these words are widely used today, they are now considered obsolete and normal words.

Terms that make up a certain part of the vocabulary of the Uzbek language are used as epithets in fiction, and they serve to emotionally exaggerate the characteristic features of certain things and events. In the paper, the epithet formation of scientific terms related to philology, mathematics and astronomy is analyzed, the epithet as a means of artistic image arises based on the internal possibility of the language material in the speech process.

Key words: occasionalism, occasional word, occasional meaning, neologism, potential meaning

Кириш

Тил ва нутқ ҳодисаларининг ўзаро алоқадорлигини ўрганиш тиљшуносликнинг долзарб масалаларидан биридир. Тилнинг муҳим элементи бўлган сўз нутқдан ташқарида тил бирлиги, нутқда эса нутқ бирлигидир. Бу ҳол, бир томондан, тил ва нутқнинг ўзаро фарқланишини, иккинчидан эса, ўзаро чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади. Тил ва нутқ бирликлари кескин фарқланувчи ҳодисалар эканлиги тадқиқотларда ўз ифодасини топган (Shteyntal; Zveginsev 1956: 108; Potebnja 1874: 43; Vinogradov 1947: 12-13; Usmonov 1963; Ne'matov 1992).

Тил бирликларидан фарқли равища нутқ бирликлари нутқ жараёнининг маҳсули сифатида вужудга келади. Зоро, нутқ жараёни тил бирликларининг қўлланиши, уларга хос маъно қирраларнинг намоён бўлиши учун бир вазият, коммуникатив майдондир. Шу боисдан ҳам нутқ жараёни турли сўзлар маъноларининг рўёбга чиқиши учун маълум шароитлар яратади. Нутқда барча лисоний бирликлар билан бир каторда бирор ижодкорнинг индивидуал услугига хос бўлган сўз ва иборалар ҳам ишлатилади. Улар нутқ ҳодисаси сифатида матнга ёки бирор ижодкорнинг индивидуал услугига хос сўз тарзида қолади ёки нутқий фаолиятда тезда фаоллашиб, тил таркибиغا

сингиб, унинг меъёрий бирлигига айланиб кетиши ҳам мумкин. Бундай сўзлар тилшуносликда неологизм, окказионализм термини билан аталади. Тилшуносликда неологизм ва окказионализм ҳакида турли фикрлар билдирилган. Баъзилар неологизм билан окказионализмни бир тушунча сифатида кўрсатсалар, бошқалар уларнинг фарқли эканлигини таъкидлайди. Энг аввало луғатларга мурожаат қиласлийк. О.С.Ахманова неологизмга шундай таъриф беради:

“1. Янги предмет ёки янги тушунчани ифодалаш учун яратилган сўз ёки ибора.

2. Умумтилда “фуқаролик” хуқуқига эга бўлмаган ва шунинг учун алоҳида, кўпинча, нуткнинг нофаол услубига хос деб қабул қилинувчи янги сўз ва иборадир. Стил неологизми. Адабий асарнинг у ёки бу жанрида учраганда янгилик деб қабул қилинадиган сўз. Кундалик турмушда ишлатиладиган, лекин бадиий асарларда қўлланмайдиган сўз. Стилистик неологизм. Бирор бадиий асарнинг муаллифигина яратган ва одатда кенг доирада ишлатилмайдиган неологизмдир. Қиёсланг: гапакс эйременон, потенциал сўз” (Axmanova 1969).

“Гапакс эйременон (гапакс легоменон, окказиональное слово). Гапиравчи ёки ёзувчи томонидан маълум вазият учун “бир марта” қўлланадиган сўз ва ибора” (Axmanova 1969).

“Потенциал сўз, 1) аниқ (реально) мавжуд бўлмаган (яъни мавжуд бўлганда ҳам нутқда ҳали ишлатилмаган), аммо бирор тилнинг унумли сўз ясовчи қолипига мос тарзда ҳар бир дақиқада яратилиши мумкин бўлган содда ёки қўшма сўз; 2) фразеологизм элементи бўлиб, ундан мустақил бирлик сифатида ажралиш хусусиятига эга бўлган сўзлар” (Axmanova 1969).

Луғатдаги бу таърифларни батафсил келтиришимиздан мақсад, окказионализм ва неологизм ҳақидаги тушунчаларнинг аниқ ифодасини беришдир. Тушунишимизча, О.С.Ахманова окказионализмни неологизм деб қарайди. Энди бошқа луғатларга эътибор қиласлийк.

Маълум бир нутқ парчасида яратилиб, ушбу матнда яшаб, бошқа матнга ўтмайдиган, тилнинг турғун нормасига қабул қилинмайдиган нутқ бирлигига нисбатан окказионал сўз ёки окказионализм (лотинча occasionalis – тасодифий (случайный) сўзидан олинган) термини қўлланади (Russkiy yazi 1979: 35).

Д.Э.Розенталь ва М.А.Теленковалар неологизмни шундай тушунтирадилар: “Неологизм (грекча neos – янги + logos – сўз, тушунча). Янги предмет ёки янги тушунчани ифодалаш учун яратилган сўз ёки нутқ ибораси (оборот речи)... Сўз кенг қўлланиш доирасига киргац, неологизм бўлмай қолади... Совет даврининг айрим неологизмлари эскирган сўзлар қаторига ўтди...”

Стилистик (индивидуал – стилистик) неологизм. Бирор адабий асар муаллифи томонидан маълум стилистик мақсад билан яратилган, лекин кенг тарқалиш имкониятига эга бўлмаган, тилнинг лугат таркибига кирмаган неологизм (Rozental vd. 1976: 197). Айни лугатда *окказионализм* ва *окказионал* тушунчаларига ҳам алоҳида тўхталинган: “*Окказионализм*. Маълум матн шароитидагина қўлланиб, унумсиз сўз ясаш қолипи асосида яратилган сўз. Қиёсланг: стилистик неологизм ”.

“*Окказионал* (лотинча occasionalis - тасодифий). Умум томонидан қабул қилинган қўллашларга мос келмайдиган, индивидуал хусусиятга эга бўлган, махсус контекста боғлиқ бўлмаган (қиёсланг: узуал)” (Rozental vd. 1976: 197).

Узуал терминига берилган таърифни ҳам кўрайлик.

“**Узуал**. Маълум тил жамоасининг қўлланиш талабига мос келадиган сўз, фразеологик ибора, грамматик конструкция ва ҳ.к. (қиёсланг: *окказионал*)”.

“**Узус** (лотинча usus – урф, коида, қўллаш). Маълум тил вакиллари томонидан қўллаш учун қабул қилинган сўз, турғун бирикмалар, шакллар, конструкциялар ва ҳ.к.” (Rozental vd. 1976: 197).

Берилган таърифлар қиёсланса маълум бўладики, лугат тузувчилар окказионализмни неологизм деб қарашдан қочишга ҳаракат қилганлар. Улар кўрсатган стилистик неологизмларга берилган тавсифлар моҳият жиҳатидан окказионализм тавсифларига яқин, лекин биринчисида “тилнинг лугат таркибига кирмаган” деган фикр ҳам борки, у иккинчи сўз тавсифи ичida йўқ. Шундай тасаввур туғиладики, окказионализмлар неологизмлардан фарқ қиласиган бирликлар, лекин муаллифлар уларни қатъий равишида неологизм эмас, дея олмайдилар.

А.Хожиевнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли лугати”да “Окказионализм продуктив бўлмаган қолип асосида ясалган, факат шу матннинг ўзида қўлланган сўз, индивидуал услугуб неологизми. Масалан,

музқаймоқ (морожсный) каби” деган таъриф берилган. Бундан ташқари, лугатда окказионал маъно ҳақида ҳам тушунча берилган: “*Окказионал маъно* (лот. occasionalis - тасодифий). Сўзниң семантик структурасида шаклланиб етмаган, маълум индивидуал қўллашда реаллашадиган маъно: *Фан, санъатнинг гуллари* бутун, тўпланганди сухбат учун (Ойбек). Қиёсланг: узуал маъно” (Хојиев 1985: 63).

Бу изоҳ ўзбекча окказионал сўз ва окказионал маъно ҳақида аник маълумот беради. Кўринадики, “окказионализм” “индивидуал услуг неологизми” термини билан синонимик тарзда қўлланиши мумкин экан, чунки лугатлар қоидалаштирилган, муайян меъёрларга солинган тушунчаларни беради. Окказионализмларга лугатларда эътибор берилмоқда экан, уларнинг хусусиятларини санашда буни ҳисобга олиш керак, деб ўйлаймиз.

Мавжуд илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, окказионализм пайдо бўлиш хусусияти, неологизм ифодалайдиган тушунчасига кўра маълум маънода алоқадорликка эгадек туюлади. Лекин бу лисоний ҳодисалар бир-биридан фарқ қиласди. Қуйида ушбу масала ҳақида ўз фикри- мизни билдирамиз.

Янги сўз (неологизм) ва окказионализмнинг ўзаро муносабати ҳамда фарқини қўйидаги тўрт мезон асосида таҳлил қилиш мумкин:

1. Муаллифнинг (яратувчининг) бор ёки йўқлиги. Бу мезон янги сўзни таърифлаш учун мухим эмас. Янги сўз – тил факти. Окказионал сўзлар эса нутқ факти ҳисобланади. Окказионал сўзларнинг мухим белгиларидан бири унинг бирор муаллифга тааллуқлилигидир. Бундай сўзларнинг аксарияти хотирада қайта тикланмайди. Улар бирор шахс томонидан биринчи бор яратилади. Албатта, оғзаки нутқда учрайдиган окказионал сўзларнинг кимга тааллуқли эканлигини билиш мумкин эмас, бунга оғзаки нутқнинг қўнимсиз, ўзгарувчанлиги ҳалақит беради, аммо ёзма нутқ окказионал сўзларнинг яратувчисини топишни анча енгиллаштиради. Бир сўз билан айтганда, окказионал сўзлар принципиал равишда аник шахсга – ана шу окказионал сўзниң яратувчисига тааллуқлидир. Тилда эса унинг ҳар бир факти, шу жумладан, янги сўзлар ҳам фақат ижтимоий жиҳатдангина, яъни мазкур тил эгалари бўлган барча кишилар жамоасига қарашли мутлақ эгасиз бирлик сифатида аҳамиятлидир. Тилдаги барча сўзлар сингари, кейинчалик эгаси унтуилгач, янги сўзлар умумлаштирилган ва уларнинг муайян муаллифларга тегишли эканлиги эсдан чиқарилган.

2. Сўзнинг янгилик ўлчови муҳим, лекин барча янги сўзлар учун абсолют ва мажбурий эмас. Мазкур ўлчов ҳозирги замон янги сўзлари, сўзнинг янгилиги сезилиб турадиган долзарб (фаол) янги сўзлар учунгина мажбурийдир. Масалан, *тижоратчи, жамоа хўжалиги, вазирлик* ва шу кабилар 90 - йилларда қўллана бошлади, ҳозирги кунда уларнинг янгилик бўёғи йўқолди.

Неологизм тушунчасининг генетик ўзаги ва принципиал асоси сўзнинг янгилик сифатидир. “Демак, неологизм ниҳоятда нисбий тушунчадир. Неологизмнинг янгилик бўёғини йўқотиб одатий, нормал сўзлар қаторига ўтиши типик қонуниятдир. Сўз энди пайдо бўлганида, янгилик бўёғини сақлаб турганида неологизм хусусиятини сақлайди. Янги сўз тил томонидан тамоман ўзлаштирилмагунча; лексиканинг фаол захираси фондига кўшилмагунча, яъни гайритабиилик оттенкасини йўқотмагунча неологизм бўлиб қолаверади” (O‘zbek tili leksikologiyasi 1981). Лекин шунга қарамай, бу хусусият ҳамма янги сўзларга ҳам хос эмас. Ўтмиш даврлардаги (nisbий) янги сўзларда бундай сифат йўқ, аммо у долзарб янги сўзларда бор. Шуни унутмаслик керакки, нисбий янги сўзлар ўз вақтида долзарб янги сўзлар бўлган. Чунки долзарб янги сўзлар вақт ўтиши билан мукаррар равишда нисбий янги сўзларга айланади. Долзарб янги сўзлардаги янгиликни ҳис этиш ана шу янги сўзда бўлиши лозим бўлган мажбурий белгидир. Умуман олганда, янгилик хусусиятининг янги сўзга хослиги мутлақо шубҳасиздир. Бу хусусият неологизм умумий тушунчасининг асоси бўлиб ҳисобланади. Мана шу маънода Э.Бегматовнинг неологизмнинг моҳияти юзасидан айтган қўйидаги фикрлари ҳакиқатдир: “Неологизм пайдо бўлиш даврига кўра янги ёки энг янги сўз бўлиб, унда янгилик оттенкаси яққол сезилиб туради. Неологизм тилда янги пайдо бўлган сўздир. У тил норматив сўзлар қаторига ўтиб ултурмаган лексемадир. Шу туфайли неологизмлар лугат таркибининг пассив қатламига мансуб сўзлар ҳисобланади” (O‘zbek tili leksikologiyasi 1981). Ҳамма қийинчилик шундаки, бу хусусиятни таҳлил қилган пайтда уни сон ёки расмий жиҳатдан характерлаб бўлмайди. Бу ўрганилаётган хусусиятнинг тилшунослар томонидан объективлаштириш ва таърифлашни жуда қийинлаштиради. Масалан, тилда пайдо бўлган сўз ўзининг янгилигини (ва шу билан бирга ўзининг неологизмлик мақомини) қанча вақт сақлаб қолишини айтиб бериш жуда қийин, ҳатто мумкин ҳам эмас. Тилда пайдо бўлган сўз семантик жиҳатдан қанчалик долзарб, яъни унга нутқий эҳтиёж қанча кучли бўлса, у тил жараёнинг қанчалик жадал кўшилиб кетса, унинг янгилиги шунчалик тез сўниб боради ҳамда унинг неологизм сифатидаги муддати ҳам шунчалик қисқа бўлади. Масалан, бугунги кундаги бир қатор *вазир, вилоят,*

туман, ҳоким, телекўприк, тамаддинома, нафақаҳўр, тақдимот каби янги сўзлар худди шу гоят долзарблиги ва тез-тез қўлланиши сабабли ўзининг янгилигини йўқотди.

Шундай қилиб, янги сўзлар бевосита тилдаги тарихий ўзгаришлар умумий занжирига киради ва шунинг учун ўзи ҳам ана шу ўзгаришларга учрайди. Неологизм тушунчасининг принципиал шартлари ва белгиларидан бири бўлган бундай ҳол тарихий вакт мезони туфайли лингвистик жиҳатдан киритилган, алоҳида нутқ факти сифатидаги окказионал сўзларга ётдир.

3. Нихоят, айтиш керакки, янги ва окказионал сўзлар тил лугат таркибиغا кириш ёки кирмаслик мезони жиҳатидан ҳам жуда турличадир. Янги сўзларнинг тил лугат таркибиغا кириши (аникроги, тилнинг бир кисми эканлиги) ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Адабий тилнинг тарихи шундан далолат беради. Окказионал сўзлар соф нутқ маҳсулидир. Фақат тил факти бўлиб, окказионаллик мақомидан ажралган (ёки бундай мақомга умуман эга бўлмаган) тақдирдагина юзага келган сўз янги сўз деб аталиши мумкин.

Э.Бегматов ўзбек тилида янги сўзлар ва уларнинг лисоний хусусиятлари ҳакида қуйидаги фикрларни билдиради: “Тил лексикасига эскириш хусусияти билан бир қаторда янгиланиш ҳам хосдир. Тилда кўриб ўтилганидек, баъзи сўзлар эскириши, истеъмолдан чиқиши қонуний ҳол бўлгани каби, унда янги сўзларнинг туғилиши, яратилиши ҳам табиийдир. ...Ўзбек тилида янги даврда пайдо бўлган янги лугавий бирликлар бу тил лексикасининг **янги сўзлар қатлами**ни ташкил қиласиди.

Янги сўзга экспрессивлик – янгилик бўёғи хос бўлади. Янги сўз биринчи дуч келган кишига, айниқса, эски тил лексик нормаси билан таниш кекса авлодга гайритабиийдек туюлади. Бу ҳол лингвистикада лексик идиосинкразия деб юритилади” (O’zbek tili leksikologiyasi 1981).

4. Маълумки, сўзларнинг пайдо бўлишидаги тарихий вакт омили неологизм тушунчасини таърифлашда асосий белгилардан бири ҳисобланади. Вакт ва ҳаёт жараёнида эскириб қолиши мумкин бўлган, ўз янгилик сифатини камайтириб бора оладиган сўзларгина янги сўз бўлиши мумкин. Тилда янги сўзларнинг вужудга келиши унинг тарихий шаклланиши давомида амалга ошиб келган. Шунинг учун неологизмни аниқлаш чоғида қайси тарихий даврга тааллукли сўз назарда тутилаётгандигига қараб, неологизмнинг нисбий ўзгарувчанлик характери ҳисобга олинади.

Э.Бегматов тўғри таъкидлаганидек: “ Сўзнинг янгилиги ёки эскилиги сўзнинг тилда пайдо бўлиш даврига кўрадир. Сўзнинг қўлланувчанлиги ёки эскирганлиги лексемаларнинг функционал активлиги ёки пассивлигига кўрадир” (O‘zbek tili leksikologiyasi 1981). Шу маънода ҳар бир сўзни унинг пайдо бўлган вақтига нисбатан принципиал равишда неологизм деб аташ мумкин. Бунда фақат у ёки бу сўз тилда қачон пайдо бўлганлигини аниқлаш керак. Масалан, *колхоз, совхоз, трактор, тракторчи, пионер* сингари сўзлар ўзбек адабий тили тарихида XX асрнинг 30 - йиллари неологизмлари хисобланади. Вақт ўтиши билан улар янгилик бўёғини йўқотиб, тил эгалари онгига сингиб, кенг қўлдан бошлаган ва фаол сўзлар қатламидан ўрин олган. Аммо бугун *колхоз, совхоз, пионер* сўзлари истеъмолдан чиқиб, тарихий сўзларга айланди.

XX асрнинг 30 - йилларида хилма-хил сўз ясаш типи асосида янги сўзлар гурухи юзага келди. Булар нисбий ўзгарувчан бўлиб, уларнинг вазифалари аниқ тарихий давр, аниқ матн билан боғлаб ўрганилади. Шунинг учун ҳам XX асрнинг 40 - йиллари, 50 - йиллари, 60 - йиллари, 70 - йиллари, 80- йиллари, 90- йиллари неологизмлари тўғрисида алоҳида-алоҳида гапиришга тўғри келади. Ҳар бир давр неологизми турли тарихий эволюцияларни бошидан кечириб, ўзининг янгилик сифатини аста-секин йўқотиб борган ҳолда яшайди. “Тилда янги сўзларни яратиш тилнинг тарихий ривожланиши, унинг вақт жихатидан олдинга ҳаракат қилиши маҳсулидир. Шунинг учун тилдаги барча янги ҳосил бўлган сўзларни фақат синхрон тарзда эмас, балки диахрон тарзда, яъни тил ривожланишининг муайян даврида юзага келганлиги нуқтаи назаридан ўрганиш мумкин” (Timofeyev 1971: 30). Бундан шу нарса келиб чиқадики, янги сўз тушунчasi диахрондир.

Окказионал сўзлар хотирланмайдиган хоссагагина эмас, балки қўлланиш жихатидан бир марталик ва синхрон-диахрон қоришиқлик хоссасига ҳам эгадир (Likov 1976: 12-14, 18-19). Демак, улар тарихий вақтга нисбатан тааллуқсиздирлар. Шунинг учун бундай сўзлар неологизм деб атала олмайди.

Шундай қилиб, янги сўзни таърифлашда вақт мезони зарур, лекин юқорида кўрсатилганидек, у абсолют эмас, унга нисбийлик жихатидан қаралади.

Юқорида келтирилган далилларга асосланиб, янги сўзга шундай таъриф бериш мумкин: Янги сўз тилда ўз тарихий ҳаётининг дастлабки босқичини ўтаётган, янгилик бўёғига эга бўлган сўздир.

Шундай қилиб, **янги сўз** терминини окказионал сўзларга нисбатан уларнинг алоҳида хоссалари туфайли қўллаб бўлмайди. Янги сўз у ёки бу далилни (мазкур ҳолда янги сўзнинг ифодаланиш далилини) муайян фактга боғлайдиган тамомила диахрон тушунчадир. Окказионал сўзлар ўз “ички” тарихидан маҳрум бўлганингидан принципиал жиҳатдан “нотарихийдир”, чунки бир марта қўлланиши, аксариятнинг хотирада қайта тикланмаслиги ва синхрон - диахрон қоришиклиги туфайли улар тилда узоқ вақт яшашдан маҳрумдир. Окказионал сўзларнинг пайдо бўлиши ҳар ҳолда унга нисбатан ташки белги бўлган тарихий фактлар билан боғлик. Масалан, окказионал сўз ўзи юзага келган аниқ тарихий санага эга бўлиши, ўз аниқ тарихий шахси, ўз муаллифи билан, шунингдек, унинг пайдо бўлишига олиб келган сабаблар ва вазиятлар билан алоқадор бўлиши мумкин. Бундай сўзларга, барқарор (узуал) сўзлардан фарқли равишда, чинакам тарих ётдир. У вакти-вакти билан ўзгариб турадиган хусусиятлардан маҳрумдир, яъни лексик аҳамият, стилистик бўёқ, экспрессивлик, сўз ясовчи структура ва ҳоказолар соҳасидаги ички ривожланишдан маҳрумдир.

Натижа

Окказионал сўзнинг тарихий ҳаёти нуткали характерга эга, чунки унинг ишлатилиши принципга кўра диахрон жиҳатдан узоққа чўзилмайди.

Окказионал сўзлар тилнинг вақт жиҳатига даҳлдор эмас, яъни уни, пайдо бўлган вақтидан қатъи назар, на янги сўз, на барқарор сўз деб атаб бўлмайди. Янги сўз ёзма матнларда муҳрланиб қолиши мумкин, аммо у оғзаки нутқда туғилганида нутқий жараён тугаши билан яшашдан маҳрум бўлади. Ўзбек адабий тили тарихининг турли даврлари адибларига (М.Шайхзода, Ҳ.Олимжон, У.Носир, Чўлпон, Миртемир ва бошқалар) тегишли окказионал сўзлар ўзи яратилган матнда бизнинг кунимизгача етиб келиб, хеч қандай ўзгаришга учрамади, шу жумладан, эскирмади ҳам, фаоллашмади ҳам; тарихий давр факторидан узоқ бўлганинги туфайли бундай бўлиши мумкин эмас эди. Демак, бундай ҳолда окказионал сўзлар тарихий ривожланиш ва ўзгариш омилидан йирокдир.

Окказионал сўзларнинг ана шу биз кўрсатган хусусиятлари, яъни уларнинг принципиал жиҳатдан “эскирмаслиги” улар тўғрисида “доимий янги сўзлар” ёки “абадий янги сўзлар” деган анча кенг тарқалган фикрларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, оккционал сўзларни янги сўзлар қаторига қўшиш тўғри ҳам, мақсадга мувофиқ ҳам эмасдир. Улар нутқнинг ўзига хос хусусиятга эга бўлган индивидуал бирлигидир.

Xulosa qilib aytganda, terminlar badiiy asarda obrazli tasvir vositalaridan biri sanalgan epitetlar vazifasida kelib, matnning poetik qimmatini oshirishga xizmat qila oladi.

Adabiyotlar

Shteyntal G. Grammatika, logika i psixologiya.

Zveginsev (1956) V. Xrestomatiya po istorii yazikoznaniya XIX-XX vekov. ch.1.M.

Potebnya A. (1874) Iz zapisok po russkoy grammatike.- Voronej.

Vinogradov V.V. (1947) Russkiy yazik. M. -L.: Uchpedgiz.

Usmonov S. (1963) So‘z – til birligi va nutq birligi sifatida // Tilshunoslik masalari. Toshkent: O‘zSSR FA.

Ne’matov H., Bozorov (1992) O. Til va nutq. Toshkent: O‘qituvchi.

Axmanova O.S. (1969) Slovar lingvisticheskix terminov. - M.: Sov. Ensiklopediya.

Slovar inostrannix slov (1979) M.: Russkiy yazik.

Rozental D.E., Telenkova M.A.(1976) Slovar – spravochnik lingvisticheskix terminov. - M.: Prosveshcheniye.

Xojoyev A. (1985) Lingvistik terminlarning izohli lug‘ati. Toshkent: O‘qituvchi.

O‘zbek tili leksikologiyasi (1981) Toshkent: Fan.

Timofeyev K.A. (1971) Ob osnovnih ponyatiyah slovoobrazovaniya. Russkiy yazik v shkole.

Likov A.G. (1976) Sovremennaya russkaya leksikologiya (russkoye okkazionalnoye slovo). M.: Nauka.